



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 80 (9.730) 2002 йил 10 июль, чоршанба Сотувда эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА САТРАЛДАР

АЙНИ кунларда шахримиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртыда битирувчиларга диплом топиштириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Давлат консерваториясида, Тошкент Давлат иқтисодий университетиде, Тошкент Давлат юридик институтиде, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университетида, Тошкент архитектура ва қурилиш, Тошкент Давлат шарқшунослик институтларида ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ўқитувчилар иштирокида битирувчи талабалар билан хайрлашув маросимлари ўтказилди.

ТАДБИРКОРЛИК

Бежирим ва қулай меbelлар

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Катрис» хусусий фирмасининг мебель маҳсулотлари бугунги кунда ўзининг бежиримлиги, қулай ва муқтаҳамлиги боис ҳам мактаб, лицей ҳамда коллежларимиз ўқув хоналарини безамоқда.

Шу билан бирга ушбу корхонада бир неча йилдан буён идора ва офис, меҳмонхона ва ётоқхона, шифоҳоналар учун мебель маҳсулотлари буюртма асосида сифатли тайёрлаб берилмоқда. Корхона дизайнерларининг изланишлари ўз самарасини бериб, маҳсулотнинг харидорғир, замон талаблари асосидаги турлари яратилмоқда ва ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

ФАН

Совриндорларга — махсус сертификатлар

Олий ўқув юртылари учун ажратилаётган махсус грантлар профессор-ўқитувчилар билим ва малакаларини оширишда ҳам қўл келмоқда. Ўзбекистон Миллий университетининг бир гуруҳ ёш олим ва тадқиқотчилари ҳам бундай имкониятнинг қўлга киритиб, қатор хоржий мамлакатларда ўз малакаларини ошириб қайтиди.

САНОАТ

Харидорғир маҳсулотлар

Ўтиш даври қийинчиликлари айрим корхоналар қатори пойтахтимиздаги Марказий Осиеда ягона ҳисобланган «Лола атир-уна» акциядорлик жамиятини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Корхона моддий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолганди.



Албатта, корхона олдида ушбу вазиятдан бутун имкониятларини ишга солган ҳолда чиқиб кетиш муаммоси пайдо бўлди. Муаммони ечиш йўлларида бири эса хоржий шериклар топиш, улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш эди. Ўтган йилда ана шундай ҳамкор топилиди. Россиянинг «Калина» концернига қарашли «Паллада Восток» шўба корхонаси ҳиссадорлик жамиятининг 56 фоиз акциясини сотиб олиб, ўз инвестициясини корхонага қайта тиклаш ва ривожлантириш учун киритди.



ИЗЛАНИШЛАР

Қуёш батареялари

Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика-техника институти олимлари қуёш батареялари ишлаб чиқаришнинг техник асосларини яратиш борасида бой тажриба орттирганлар.

монидан берилган буюртма ҳам ўз вақтида адо этилди. Корхона учун сув иситиш индивидуал тизимининг конструкциясини ва лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам тақдим этилди.

ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА

Хайрли ташаббус

Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини унумли ўтишини таъминлаш мақсадида Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан хайрли ишга қўл урди.

ҲАМКОРЛИК

Шахримиздаги озик-овқат дўконларига қирар эканмиз маҳсулотларнинг ўзига раҳм этувчи турли шакл ва қўриқилишдаги бир-биридан айроғили ва бежирим плёнка халатчалар билан қўқоқланганликни кўришимиз. Ушбу чет элликдан сира қолмайдиган қаддоқлаш ашёлари шахримизда жойлашган «Орзу» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилади.

Фаолият доираси кенгаймоқда

Корхона 1998 йили фаолият бошлаган бўлиб, унда асосан полиэтилен грануляри плёнкага айланитилиб, сўнг тайёр маҳсулот холига келирилади. Бугунги кунда корхонанинг асосий маҳсулотларини республикамиздаги бир қатор озик-овқат ишлаб чиқарувчи йирлик ва ўрта корхоналар харид қилишмоқда.

минг долларга Туркиядан технология олиб келиб ўрнатди. Ушбу ускуналарнинг қуввати кунга бир ярим тонна маҳсулотни қайта тайёрлашга етади.

XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

Кеча Тошкент вилояти галлакорлари шартнома топиштиришни бажарганилилари тўғрисидаги 2676 рапортига имзо чекдилар. Давлат қабул пунктларига 761 миң тоннадан зиёд сара дон топирилди.

Кеча Олий Мажлисининг бўлиб ўтган Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озик-овқат қўмитаси йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг «Озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг Фарғона вилоятидаги икроси ҳақидаги масала қўриб чиқилди.

Олий Мажлисининг Ўтган кунни бўлиб ўтган Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг Андижон вилоятидаги икроси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Жаҳонда

Вашингтонда ҳар йили ўтказиладиган аънавий мусиқий-этнографик фестивалнинг бу йилги «Буюк инпак йўли: маданиятлари бирлаштириш ва ишонч ҳосил қилиш йўлида» мавзисида бўлди. Ушбу йўналишда яшовчи халқларнинг маданияти ва санъатида бағишланди.

Чехия Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазирини Ян Каван шу йил 10 сентябрдан бошлаб Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган БМТ Бош Ассамблеясининг 57-сессиясига раис этиб сайланди.

Уфада Германия осмонда ҳалокатга учраган «Бошқирдистон авиалинияси» авиаконкомпаниясига қарашли «Ту-154» самолётининг 20 йўловчи ва экипажнинг 11 аъзосини дафи этиш маросими бўлиб ўтди. Бошқа халок бўлганларнинг жасадлари Германиядан Россияга жума кунини келтирилади.

АҚШ яқинда Эроннинг Қазвин вилоятида бўлиб ўтган табиий офатдан зарар кўрган аҳолисига 300 миң доллар ҳамда инсонларпарварлик ёрдами беришга қарор қилди.

